Ушбу сонда:
2 Излаган имкон топади ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК ИМКОНИЯТИ
3 ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ Хива туманида қандай амалга оширилмоқда?
4 СПОРТ — СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 23 сентябр, сешанба № 149 (1574)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ПОЛЬША СЕЙМИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

**Мамлакатимизга ташриф буюрган Польша Республикаси Сеймининг (парламентининг) Польша-Ўзбекистон парламент гуруҳи раиси Элжбета Радзишевска раҳбарлигидаги делегация аъзолари 22 сентябр куни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Владимир Норов билан учрашди.**

Мулоқот чоғида Ўзбекистон-Польша муносабатлари тобора фаоллашиб бораётгани, бунда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг шу йил 10-12 июл кунлари Польшага расмий ташрифи давомида имзоланган ҳужжатлар муҳим ўрин тутаётгани алоҳида таъкидланди. Томонлар ўзаро ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашди.

Шу куни меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Халқаро ишлар ва Парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Эркин Воҳидов билан учрашди. Учрашувда Ўзбекистон билан Польша ўртасидаги парламентлараро алоқаларни янги босқичга кўтариш учун барча имкониятлар мавжуд эканлиги таъкидланиб, истиқболда мазкур йўналишдаги ҳамкорликни янада жадаллаштириш ҳақида гап борди.

(ЎзА)

## ҚАЙТА ИШЛОВЧИЛАР МАВСУМГА ШАЙ

**Риштон пахта тозалаш очиқ акционерлик жамияти пахта йиғим-терими мавсумига шай. Корхона бу йил ширкат ва фермер хўжаликларидан 28 минг 110 тонна пахта қабул қилиб олади.**

Мутахассислар фикрича, тармоқда саноат маҳсулотларини узлуксиз қабул қилиш, тола сифати ва ҳажмини ошириш билан боғлиқ ишлар бажарилди. Илгари фақат машинада терилган ҳосилни майда чиқитлардан тозалашга ихтисослашган «Меҳнат» агрегати энди қўлда терилган пахтани ҳам тозалайди. Ўтган йили ишга туширилган мазкур агрегат Боғдод пахта тозалаш заводида муваффақиятли синовдан ўтди. Шунингдек, бу ерда линтер машиналари сонини қисқартириш ҳисобига иш унумдорлигини ошириш ва электр энергиясини тежашга эришилди. Дастгоҳлар сони қисқарсада, иш ҳажми ошди.

- Асосий эътибор юқори сифатли тола ишлаб чиқаришга қаратилган,- дейди корхона бош муҳандиси Аббосжон Шарипов. - Шу мақсадда корхонамизга замонавий агрегатлар ўрнатилди. Улар тола сифати ва ҳажмини ошириш билан бирга чигитни туксизлантириш имконига ҳам эга.

(ЎзА)



*Бугун «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси юртимиз нуфузига айланмоқда. Унинг бир-биридан қулай, кўркам ва чиройли «Тико», «Дамас», «Матиз» ва «Нексия» автомобиллари жаҳон бозорида муқим ўрин эгаллади. Бу эса халқимизнинг, мустақил Ўзбекистонимизнинг порлоқ келажагига яна бир карра ишончли далилдир.*

*«ЎзДЭУавто» мамлакатимиз мустақиллигининг ўн икки йиллигига муносиб туҳфа тайёрлади. Бу совға – янги «Ласетти» автомобилидир.*

*Янги русумдаги «Ласетти» автомобили «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилмоқда. У Корея Республикасидан келтирилаётган тайёр бутловчи қисмлардан йиғилмоқда.*

*Ишлаб чиқариш дастурига мувофиқ йиғиш цехида махсус участка ташкил этилди. Мутахассислар Инчхон шаҳридаги Бупен заводида малака ошириб қайтишди. Корхонада шу йил охиригача 312 та янги русумдаги автомобил ишлаб чиқариш режалаштирилган.*

***Суратларда: (чапдан) «Ласетти» автомобилини йиғиш участкаси ишчилари А.Норинов, А.Мамарасулов ва менежер Д.Ҳасанов; йиғув цехида.***

**Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар**




## ТОШКЕНТ - ЯРОСЛАВЛЬ:
## ЎЗАРО ФОЙДАЛИ БИТИМ

Тошкентдаги «Реле ва автоматика» ОТАЖ ва Ярославлнинг «АВС ИМПЭКС» МЧЖ ўзаро фойдали битим тузди. Россиялик инвестор корхонанинг 300 минг долларлик акцияларини сотиб олди.

Бундан ташқари, харидор 1 миллион АҚШ долларига тенг инвестиция мажбуриятларини ўз зиммасига олди. Икки йил мобайнида белгиланган жадвал асосида инвестор замонавий технологик ускуналар, эҳтиёт ва бутловчи қисмларни етказиб беради, янги технологияларни ўзлаштиришга кўмаклашади.

Корхонада электртехника маиший маҳсулотлари: дазмоллар, вентиляторлар, электр чойнаклар, телефонлар, бошқа халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Аста-секин ички бозорни тўлдириб, келгусида экспорт бозорига чиқиш режалаштирилмоқда, Ярославлда савдо уйининг очилиши бу борада биринчи қадам бўлади.

«Реле ва автоматика» ОТАЖ ҳар-хил турдаги паст вольтли ускуналар, пультлар ва панеллар, электржавонлар, тракторлар учун электртасмалар ишлаб чиқаради.»- Реле ва автоматика» ОТАЖ «Ўзэлтехсаноат»нинг йирик бўлинмаларидан бири бўлгани ҳолда халқ хўжалигининг муҳим объектларига электртехника ускуналарини етказиб беради.

Тошкентдаги корхона Навоий кон-металлургия комбинати, «Тошкент трактор заводи» ДАБ, Янги-Ангрен ва Тошкент ГРЭСлари, «Ўзнефтгазқазиш» ДАБ, «Нефтгазқурилишкомплект» ОТАЖ, «Ўзмонтажқурилиш», Шўртанг газ-кимё мажмуи ва бошқаларни зарур маҳсулот билан узлуксиз таъминлаб туради. Яқин орада шериклар рўйхати анча кенгаяди: корхонада «Маҳаллий хомашё асосида маҳсулотлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури»ига киритиш учун иккита лойиҳа тайёрлаб қўйилган. Уларни амалга оширишга россиялик инвестор билан тузилган шартнома ҳам ёрдам беради.

(ЎзА)

*Ислоҳот мевалари*

## ТАДБИРКОРЛАРГА БЕПУЛ савдо ўринлари

**Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришда кичик ва ўрта бизнес муҳим аҳамиятга эга. Шу боис Бектемир тумани товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасида бу борада эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бу ерда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий муҳофазалаш намунали йўлга қўйилган. Палатада ўтган йилнинг шу даврида аъзолар сони 79 нафарни ташкил этган бўлса, айни кунларда бу рақам 360 нафардан ортиб кетди.**

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 21 апрелдаги қарори бандларида кўрсатилганидек, аъзоликка қабул қилинган кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ишлаб чиқариш, хўжалик ва молиявий фаолиятини текширишлар палата вакиллари иштирокида амалга оширилмоқда. Шу йилнинг саккиз ойи мобайнида 75 та кичик ва ўрта бизнес субъектлари ва тадбиркорлик фаолиятини эндигина бошлаган фуқаролардан мурожаатлар тушди. Ушбу аризалар асосан кредитлаштириш, бухгалтерия, солиқ ва юридик масалалардан иборат.

– Тадбиркорларга амалий кўмак бериш, уларнинг мушкулини осонлаштириш фаолиятимиз моҳиятини белгилайди, - дейди мазкур палата раиси М.Алимов. – Жумладан, тадбиркорларга кредит олишда ёрдам кўрсатяпмиз. Масалан, умумий овқатланиш шохобчаси сифатида фаолият юритаётган «Қаҳрамон Тўра» хусусий фирмасига 5 фоизли имтиёзли кредит олиб берилди. Бундан ташқари, тадбиркорларга хомашё зарур бўлиб қолса, уларни бевосита пойтахтимизда ташкил этилган аукционга таклиф этамиз. Улар корхонасини кенгайтириш хусусида мурожаат қилганида, туман ҳудудидаги фойдаланилмай ётган бўш жойларни топиб беришда кўмак берамиз.

Моддий-техник ресурсларга ва хомашёларга талабгор бўлган туман ишбилармонларига амалий ёрдам бериш мақсадида палата ҳар йилнинг бошида «Ўзулгуржисавдо»нинг бўлимлари билан келишув шартномаларини тузади. Туманда «Ташаббус» кўрик-танлови мунтазам ўтказиб келинаётир. Бу йилги муваффақиятли ташкиллаштирилган танловда «Пресс-МЧЖ» биринчи ўринга лойиқ кўрилди. Ҳунармандлардан Салима Муҳамедова ғолибликни қўлга киритди.

Палатанинг саъй-ҳаракатлари билан хорижий банк линиялари орқали кредит олиш режалаштирилмоқда. Жумладан, «Ўзтубустпласт» корхонасига 5 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ олиш лойиҳаси тайёрланди. Бундан ташқари, «Дўстлик Салом» фирмасига 99,7 миллион сўм, «Анаида Фантазия» хусусий фирмасига 10 миллион сўм миқдорида кредит жалб этиш мўлжалланган.

Палатада шаҳар ҳокимияти ташаббуси билан ўтказилган турли мавзудаги семинар, хорижий тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказилиб, улардан тадбиркорлар ўзларига керакли маълумотларни олишмоқда. Масалан, шу йил давомида кичик ва ўрта бизнес субъектларини хорижий валютада кредитлаштириш мавзусида «Мадад» суғурта агентлиги, «Бизнес фонд, Европа тикланиш ва тараққиёт банки», «Ўзуйжойжамғармабанк» мутахассислари билан тадбиркорлар ўртасида бевосита мунозаравий семинар бўлиб ўтди.

Қувонарлиси шундаки, туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг бевосита кўмаги билан шаҳар ҳокимлигининг қарорига асосан М.Жалолова, Ли И Ен, С.Ҳайдарова, В.Цойларга тубдан таъмирланган «Чилонзор» буюм бозоридан бепул жойлар ажратиб берилди. Палатага аъзо бўлган ҳар бир тадбиркорлик субъектлари «Текширишларни рўйхатга олиш китоби» билан тўлиқ равишда бепул таъминланган. Ишбилармонларга қулайлик яратиш мақсадида Палата қошида «Тадбиркор суянчи» ахборот маслаҳат шуъба корхонаси фаолият кўрсатмоқда.

**О.ЭРГАШЕВ, «Ишонч» мухбири**

## «БУЛУНҒУР»ДА ИШЛАР ОЛҒА СИЛЖИМОҚДА

**Булунғур сабзавотчилик ва боғдорчиликка ихтисослашгани боис туманда қайта ишлаш корхоналари анчагина. Улардан бири узумни қайта ишлаб, вино тайёрловчи «Булунғур» ҳиссадорлик жамиятидир. Ҳозир хомашё қабул қилиш мавсуми бошлангач, корхонада иш қизғин паллага кирган.**

- Корхонамизда 137 киши ишлайди,- дейди жамият директори Муҳсин Қаюмов. - Бу йил икки минг тонна узум қабул қилишни режалаштирганмиз. 12 фермер хўжалиги ва тўрт ширкат хўжалиги билан шартнома имзоланган. Аслида корхонамиз йилига етти-саккиз минг тонна узумни қайта ишлаш қувватига эга. Лекин бу йил баҳорнинг ноқулай келиши узумчиликка салбий таъсир кўрсатди. Аксарият узумзорларни совуқ урди.

1997 йилда корхона негизида Ўзбекистон-Чехия қўшма корхонаси ташкил этилган эди. Афсуски, бизнес-режада кўрсатилган бандларнинг бирортаси амалга ошмади. Шартномага мувофиқ корхонага замонавий технология ўрнатилиши, тайёрланаётган маҳсулот сифати ва тури ўзгариши керак эди. Аксинча, корхона фаолиятига путур етди. Иккита вино қуйиш цехининг бири батамом тугатилди. Яхшики, ўз вақтида инқирознинг олди олинди. Аммо шу йилларда етказилган молиявий зарар ҳанузгача қоплангани йўқ. Боқиманда қарзлар бизни анча қийнаб қўйди. Бир йил илгари корхонамизга маҳсулот топширган ҳамкорлардан 65 миллион сўмдан зиёдроқ қарздор эдик. Бугун бу кўрсаткич етти миллионга тушди. Насиб бўлса, янги йилгача қарзлардан буткул қутуламиз.

Бунинг учун имкон қадар ҳаракат қиляпмиз. Узумларни навларига қараб қабул қилишга эътибор қаратганмиз. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, навига қараб қабул қилинган узум виноси анча сифатли бўлади. Фойдаси ҳам шунга яраша. Аралаш узумдан тайёрланган бир шиша винонинг нархи икки юз сўмдан ошмаса, алоҳида навдан тайёрланган шаробининг нархи минг-бир ярим минг сўмгача боради.

Ҳозир винонинг олти, коньякнинг уч-тўрт тури сотувга чиқарилмоқда. Маҳсулотларимиз Россия, Қирғизистон ва Қозоғистонга ҳам экспорт қилинмоқда.

## САЙЁҲЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЛОЙИҲАСИ

**Туризм касб-ҳунар коллежида «Меҳмонхона, ресторан хўжалиги ва ошпазлик» лойиҳасининг тақдимоти бўлиб ўтди.**

Тадбирнинг бу даргоҳда ўтказилиши бежиз эмас. Жорий йилда иш бошлаган туризм касб-ҳунар коллежининг моддий-техника ва ўқув базасини мустаҳкамлаш номи зикр этилган лойиҳада белгиланган.

Бухоро ўзининг қадимий меъморий обидалари билан дунёга машҳур. Шаҳарни зиёрат қилиш учун келган сайёҳлар сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Уларга халқаро андозалар асосида хизмат кўрсатиш туризмни ривожлантиришнинг муҳим омилидир. Бироқ меҳмонхона ва ресторан хўжалиги, туризм ва халқаро таомлар ошпазлиги бўйича муаммолар йўқ эмас. Туризм касб-ҳунар коллежининг ташкил этилиши эса бу муаммолар ечимида муҳим ўрин тутади.

Лойиҳа мамлакатимизда 1999 йилдан амалга оширила бошланган. Бултур Бухоро технология касб-ҳунар коллежида туризм, меҳмонхона ва ресторан хўжалиги йўналиши бўйича эллик нафар йигит-қиз ўқишга қабул қилинган эди. Улар бир йил мобайнида европача таомлар технологиясини ўрганди. Хорижий тилларни ўзлаштиришяпти. Жорий ўқув йилида меҳмонхона ва ресторан хўжалиги, туризм ва халқаро ошпазлик ихтисосликлари бўйича 75 нафар йигит-қиз қабул қилинди.

(ЎзА)

*Бор бўл, оқибат!*

## САХОВАТПЕША ФЕРМЕР ҳимматидан диллар чароғон бўлди

Меҳр-мурувват кўрсатиш, ночорларни қўллаб-қувватлаш халқимизнинг қадимий анъаналаридан саналади. Бу анъана юрт истиқлолидан сўнг мазмун ва моҳиятан янада бойиди. Зотан, эл юкини кўтаришга, хаста дилларга малҳам бўлишга чоғланганлар кўп. Улар ўз пешона тери билан топган даромадларининг маълум қисмини кексалар, ногиронлар, етим-есирларга тақсимлаш, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ажратиб келишмоқда. Боёвутлик кекса деҳқон Абдуғаффор ҳожи Жабборов ҳам ана шундай саховатпеша инсонлардан.

Бахт меҳнатда эканлигини англаган нуроний фарзанду набираларга бош бўлди. Бундан ўн йил илгари «3-Боёвут» хўжалигидан ер олиб, фермер хўжалигини ташкил этди. Хўжалик иқтисодини юксалтириш, чорвачиликни оёққа турғазишга оз мунча уринмади. Ниҳоят, деҳқоннинг чўнтагига пул кириб, хирмони донга тўлди. Орттирган фойдадан кам таъминланган хонадонлар, ногирон ва ёлғиз кексаларга улуш ажратишни одат қилди. Билимлар куни арафасида отахон яна бир эзгу ишга қўл урди. Гулистон шаҳридаги «Меҳрибонлик уйи»га ташриф буюрди. Тарбияланувчиларни истиқлол билан қутлади. Сўнгра бу ерда тарбияланаётган 36 нафар ўқувчининг ҳар бири номига 30 минг сўмдан банкда омонат дафтари очтирди.

– Болаларга ҳадя қилган 1 миллион 80 минг сўм пешона теримиз маҳсули, – дейди Абдуғаффор ота. – Режаларимиз улкан. Келгусида тарбияланувчиларнинг барчасига омонат дафтари очиб пул ўтказишни дилга тукканмиз.

Отахон мурувватидан тарбияланувчилар беҳад мамнун бўлишди. Зеро, улар учун саховатпеша нуроний ташрифининг ўзиёқ катта байрамга айланди.

**Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири**

*Қинғир ишнинг қийиғи*

## МЎМАЙ ДАРОМАДНИ КЎЗЛАБ...

**Ҳар доим, ҳамма жойда нафс балосига берилмаслик, калта ўйлаб иш қилиб, сўнгра пушаймонларда қовурилмаслик кераклиги ҳақида гапирилади, насиҳатлар қилинади. Лекин барибир бировлар босиб, адашган номаъқул изларга қадам қўйиб, мулзам бўлиб, сукут сақловчи кишилар ҳам учраб туради.**

Бундай кишилар ўзларини ақлли, уддабурон, ҳамма ишни қойилмақом қилиб бажарадиган кишилар, деб биладилар. Улар ўз хатоларини фақат вақт ўтиб, қилмишлари қонун томонидан баҳолангандан кейингина билиб оладилар. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Бекобод шаҳрида яшовчи Ханифа Бозорова шаҳар кўчаларидан бирида қурилиш моллари билан савдо қилувчи дўкон очди. Албатта, кўпчилик харидорларнинг эҳтиёжлари ҳам хилма-хил бўлади. Шунга қараб Бозорова Тожикистон Республикасидан турли йўллар билан моллар олиб келувчи шахслар билан алоқа бошлайди. Кейинчалик қўшни Ўратепадаги дўконлардан бирига борган Бозорова 17 хилдаги, 1 миллион 407 минг сўмлик қурилиш ашёларини олиб, шу туманда Ўзбекистон чегараси яқинида яшовчи жияни Ғофур Отабоевникига жойлайди. Эртаси куни ана шу молларни сотиб олишда воситачилик қилган ўратепалик Дўстёр ва Ғофурлар иккаласи молларни «УАЗ» русумли автомобилга жойлаб, яширинча йўллар билан ўтаётганида Бекобод шаҳар прокуратурасининг Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш департаменти ходимлари томонидан тўхтатилади. Ҳеч қандай ҳужжати бўлмаган қурилиш моллари ва автомобил ашёвий далил сифатида олиб қўйилади.

Тошкент вилояти Бекобод шаҳар жиноий ишлар бўйича суди Х.Бозоровага нисбатан қўйилган жазо тайинлаш малакасини муҳокама қилиб, унинг содир этган ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилик даражасини, муқаддам судланмаганлигини, аёллигини, қарамоғида олти нафар боласи борлигини, шунинг билан биргаликда қилган ишидан пушаймон эканлигини ҳисобга олиб, иш юритди. Ханифа Бозорова Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 28-182-моддаси, биринчи қисми билан айбдор, деб топилди. Унинг чегарадан ноқонуний равишда олиб ўтишга уринган, далилий ашё сифатида олиб қўйилган қурилиш моллари ва «УАЗ» русумли автомашина давлат эгалигига ўтказилди.

Солиқ тўлашдан қочиб, мўмай фойдани кўзлаган тадбиркорлардан яна бири Акром Жабборов эканлиги яқинда маълум бўлди. А.Жабборов 2002 йил ноябр ойида шаҳарнинг 14-даҳасида жойлашган «Ислом» савдо дўконида импорт маҳсулотлари ва чакана савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланишга рухсат берувчи гувоҳномага асосан иш бошлайди. Яқинда ўтказилган қисқа муддатли текширувда тадбиркорнинг 70-сонли гувоҳномасининг амал қилиш муддати 2003 йил 30 апрел куни тугаганлиги аниқланди. Шунингдек, дўконда назорат-касса машинасидан ўтказилмаган 1050 сўм пул борлиги аниқланди.

Дўконда сотувга қўйилган 52 хилдаги чет элда ишлаб чиқарилган маҳсулот текшириб кўрилганида, 1 миллион 746 минг сўмлик моллар ноқонуний йўл билан савдога қўйилганилиги маълум бўлди. Кирим ҳужжатлари бўлмаган, мувофиқлик сертификати йўқ бундай маҳсулотлар истеъмолчи манфаатларига тўғри келмайди. Сабаби молларнинг сифати, яроқлилиги кафолатланмаган.

Шаҳар жиноий ишлар бўйича суди Акром Жабборовга нисбатан прокуратура томонидан тайёрланган жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиб, яшаш жойидан ижобий тавсиянома олганлигини ҳисобга олиб, мазкур жиноят учун белгиланган жарима жазосини қўллади.

Қинғир ишнинг қийиғи барибир чиқади. Лекин бундай ишлар фақат назорат қилувчи ташкилотларнинггина вазифаси, деб алданиб қолмаслик учун ҳар бир харидор, ҳар бир юртдошимиз ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиши, сергак бўлиши лозим.

**Темур ҲАЙДАРОВ, «Ишонч» мухбири**

## ШАРТНОМА РЕЖАСИ БАЖАРИЛДИ

Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги «Валиобод» фермер хўжалиги давлатга 26 тонна пахта топшириб, вилоятда биринчилардан бўлиб шартнома-режани бажарди.

- Ўртачўл шароитида об-ҳавонинг ноқулайликларига қарамай кутилганидан зиёд ҳосил тўплашга эришдик, - дейди хўжалик раҳбари Раъно Валиева. - Бу йил 15 гектар майдонда ғўза парваришлаб, ҳозирча 18 центнердан ҳосил олдик. Ҳали далаларда ҳосил мўл.

Тумандаги «Феруза» фермер хўжалиги ҳам биринчи теримдаёқ давлатга пахта сотиш шартнома-режасини уддалади.

## ҚОНЛИКЎЛДА ЎСИМЛИК ЁҒИ

Қонликўл туманида ўсимлик ёғи ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик корхона иш бошлади.

Тумандаги «Қонликўлгуруч» акционерлик жамияти ҳузурида ташкил этилган корхонада кунгабоқар уруғидан сифатли ёғ ажратиб олинмоқда.

Замонавий технология асосида жиҳозланган корхонамизда кунига икки тонна маҳсулот тайёрланяпти.

(ЎзА)

